

## Қуръонийларнинг Ислом шариатида ҳадиснинг тутган ўрнига билдирган эътирозлари



16:00 / 17.11.2021 1631

**1.** Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вазифаси Қуръонни етказиш, холос, эмиш. Унинг пайғамбарлик сиймоси, яъни суннатлари, топширадиган вазифа ва кўрсатмалари йўқ. Шунинг учун итоат фақат Қуръони Каримга вожиб, Пайғамбар алайҳиссаломга пайғамбарлик юзасидан на саҳобага ва на кейинги умматга вожиб.

**2.** Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг иршодлари, кўрсатмалари саҳобаларга вожиб бўлган, бизга вожиб эмас, эмиш. Пайғамбар алайҳиссаломга итоат қилиш унинг давридаги саҳобаларгагина вожиб бўлган, қолган умматларга вожиб бўлмас.

**3.** Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўрсатмалари, иршодлари ҳаммага вожиб эди, барча умматга вожиб бўлган, бироқ, ҳозирда бизгача етиб келган ҳадислар қобили эътимод эмас, ҳужжат бўлишга ишончли эмас. Саҳиҳ ва ишончли санад билан бирорта ҳадис етиб келмаган.

### **1 - эътирозга раддия**

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вазифалари Қуръони Каримни етказиш билан чекланмайди, балки оятларнинг асл маъноларини тушунтириб бериш, тафсир қилиш, изоҳлаш, тўла ва мукамал, аниқроғи муфассал равишда англатиш - ҳаммаси Пайғамбаримиз алайҳиссалом

вазифалари бўлган. Бу вазифалар эса фақатгина ҳадислар орқали адо топади. Биз Аллоҳ таолонинг оятларини тўла, мукамал ва муфассал тушунишимиз учун ҳадисларга муҳтожмиз.

مَهِّدًا لِّذُنَّ آمَنَّا لِّلَّذِينَ آمَنُوا وَتُنَبِّئُ لِكُلِّ قَوْمٍ خَبْرَهُمْ  
۴۴ نُوْرًا كَفَّيْ مُمْرِلًا وَ

«(Биз пайғамбарларни) **ҳужжатлар ва китоблар билан** (юборганмиз). **Сизга эса одамларга нозил қилинган** (маълумотлар)ни баён (тафсир) қилиб беришингиз учун ва тафаккур қилсинлар, деб бу зикрни (Қуръонни) **нозил қилдик**» (Наҳл сураси, 44-оят).

وَلَقَدْ نَزَّلْنَاهُ بِقُرْآنٍ مُّبِينٍ وَأَنْزَلْنَاهُ بِاللُّغَةِ الْعَرَبِيَّةِ الْمُبِينَةِ  
۱۶۴ نِيْلًا لِّضِيْفِ

«Аллоҳ ўз ичларидан Аллоҳнинг оятларини ўқиб берадиган, уларни (ширк ва гуноҳлардан) **мусаффо қиладиган ҳамда уларга Китоб ва Ҳикматни таълим берадиган Пайғамбарни юбориш билан, мўминларга инъом этди. Улар эса бундан олдин аниқ гумроҳликда эдилар**» (Оли Имрон сураси, 164-оят).

Оятдаги «Китоб»дан мурод Қуръони Каримдир, «Ҳикмат»дан мақсад эса ҳадиси шарифлардир.

## 2 - эътирозга раддия

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўрсатмалари фақатгина саҳобаларга эмас, балки бутун уммат учундир. Зеро, Аллоҳ таоло Набий алайҳиссаломни бутун башариятга пайғамбар этиб жўнатган:

۱۰۷ نِيْلًا لِّضِيْفِ

«(Эй, Муҳаммад!) **Биз Сизни** (бутун) **оламларга айти раҳмат қилиб юборганмиз**» (Анбиё сураси, 107-оят).

## 3 - эътирозга раддия

Аллоҳ таоло Ўзининг каломи Қуръони Каримни сақлашга ваъда берган. Ҳадислар эса Қуръоннинг тафсири, шарҳи ҳисобланади. Худди шунингдек, Аллоҳ таоло ҳадисларнинг ҳам то Қиёматга қадар уммати Муҳаммадга етиб келишини таъминлаган.

**Иброҳим Десаи раҳимахуллоҳнинг**

**«Ҳадис илмига кириш» китобидан**

**Даврон Нурмуҳаммад тайёрлади**

### **Эслатма:**

Танлов иштирокчиларидан қуйидаги мавзуларда мақола ҳамда (араб, рус, инглиз, форс ва бошқа тиллардан) таржималар, илмий-тадқиқот ишлари, аудио ва видеосухбатлар тақдим этишлари талаб этилади:

- Мазҳаб тушунчаси ва унинг тарихи;
- Мазҳаб ҳақида мўътабар уламоларнинг фикрлари;
- Мазҳаб имомлари ва уларнинг шогирдлари;
- Мазҳабнинг усуллари;
- Мазҳабга оид мўътабар асарлар;
- Масҳабсизлик ва унинг хатарлари.

Танлов шартига кўра, тақдим этилаётган материаллар аввал бошқа манбаларда берилмаган бўлиши, илмий асосланган бўлиши лозим.

Танлов тўрт чоракдан иборат бўлиб, ҳар бир чорак битта мазҳабга бағишланади:

- 1-чорак — ҳанафий мазҳаби;
- 2-чорак — шофеъий мазҳаби;
- 3-чорак — ҳанбалий мазҳаби;
- 4-чорак — моликий мазҳаби.

Иштирокчилар томонидан тақдим этилган материаллар [islom.uz](http://islom.uz) сайтида эълон қилиб борилади. Материалларни [@islomuztanlovbot](https://t.me/islomuztanlovbot) телеграм манзилига юборишингиз мумкин. Танлов 1443 йил зулҳижжа ойида (2022 йилнинг июль ойида) якунланади.

**Марҳамат, танловда иштирок этинг!**